

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 10

(лот № _____)

Бухоро шаҳри

«27» январь 2022 йил

“Жондор чашмаси”МЧЖ , кейинги уринларда “Сотувчи” деб юритилади. Узининг низоми, асосида иш юритувчи рахбари М.Тошева номидан, бир томондан ва РИД ВА КИАТМ Бухоро вилоят ҳудудий филиали кейинги уринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Узининг низоми, асосида иш юритувчи бош врач Р.С.Хикматов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи узига тегишли бўлган озиқ-овқат маҳсулотини ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса озиқ-овқат маҳсулотини қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тулаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Қатик (кадокланган 400гр)	дона	189	4000	756000
	ЖАМИ:				756000

1.2 Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 31 декабр 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси: 756000 (Етти юз эллик олти минг) сумни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинadиган озиқ-овқат маҳсулоти учун олдиндан тулов миқдори 226800 (Икки юз йигирма олти минг саккиз юз) сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тулов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори эса 529200 (Беш юз йигирма тўққиз минг икки юз) сумни, яъни, қилишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тулов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил «31» декабргача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан ташқари маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага қўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тулаш назарда тутилган

2.4. Тулов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ қилиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тулайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қарғолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар қелтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тулаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қўнига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 27 январь 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда; - Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар. Мазкур шартнома Ғазначиликдан рўйхатдан утгандан сўнг 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.
- 8.2. Тарафлар уртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан ҳўжалик суди тартибида ҳал қилинади
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бўхоро вилоят Ҳўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Сотувчи» «Жондор чашмаси» МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат
курсатувчининг номи)

Манзил: Жондор туман
Дўстлик кучаси 69 уй
Тел./факс 58-21-3-16 94-329-33-33
х/в 20208000904679821001
Банк номи АТБ Ҳамкорбанк Бухоро ш
филиали

МФО: 00966

ОКОНХ 18220
СТИР: 300680452

«Сотиб олувчи» Вилоят РИД ва КИАТМ Бухоро вилоят худудий филиали

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг
номи)

Манзил: Бухоро шаҳар Гиждувон кучаси
87-уй
Тел./факс 228-51-06 22850-63
ш/х*401321860064017073201054001
бюджетдан маблағ олувчи
СТИРи 201512109

ОКОНХ 86220

Газначилик бўлини номи: Бухоро
вилояти бўйича Газначилик бошқармаси
Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий
Банкнинг ХККМ

МФО: 00014

Газначилик бўлини номи СТИРи: 201122919



Раҳбар

Тошева М
(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.У.



Р.С.Хикматов

Ҳуқуқшунос (Имзо ва Ф.И.О.)

Д. Кораматов